БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

№ 73 (7520)
29 МАРТ ЧОРШАНБА 1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Лидия
нинг янги
наларида
Сов
И.
лиги
Со
У
мад
лар
Пр

Хомаш'ё ва материалларни тежаб ишлатайлик

СССР Олий Советига ўтказилган сайловларнинг порлоқ якунлари халқимизни янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда. Улуғ социалистик Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш ва урушдан кейинги сталинча бешйиллик планни муваффақиятли бажариш учун фидокорона меҳнат қилаётган ҳарбир совет киши бугун кечагидан, эртага бугунгидан ҳам яхшироқ ва унумлироқ ишлашга интилмоқда. Халқ хўжалигимизнинг барча тармоқларида кенг қулоч ёйиб кетган умумхалқ социалистик мусобақаси анз шундан далолат бераётир.

Социалистик саноатимизнинг ишчилари ва инженер-техник ходимлари СССР Олий Совети сайловлари шарафига бошланган мусобақани давом эттириб, ишлабчиқариш планларини бажариш юзасидан оширилган мажбуриятлар олмоқдалар, меҳнат унумини оширадиган, хомаш'ё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш йўли блан ишлаб чиқараётган маҳсулот миқдорини кўпайтиришга, унинг сифатини яхшилашга ва таннархини камайтиришга ёрдам берадиган янги-янги таклифларни киритмоқдалар.

Москвадаги «Париж коммунаси» фабрикасининг бригада бошлиги комсомол аъзоси Лидия Корабельникова ва кўн буюмлар тайёрлаш фабрикасининг старший мастери Федор Кузнецов ўртоқларининг хомаш'ёни ҳартарафлама тежаб сарфлашга қаратилган янги ватанпарварлик ташаббуслари бутун мамлакатда, шу жумладан Совет Ўзбекистонининг саноат корхоналарида зўр қониқиш блан ма'қулланди.

Яқинда пойафзал ва кўн саноати ходимлари касаба союзининг республика комитети кўн ва пойафзал саноати корхоналарининг раҳбарлари блан махсус кенгаш ўтказиб, бу кенгашда Лидия Корабельникова ва Федор Кузнецов ўртоқларнинг янги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уни енгил саноат корхоналарида кенг оммалаштириш масаласини муҳокама қилди. Кенгаш қатнашчилари Корабельникова ва Кузнецов ўртоқларнинг таклифлари давлатимиз бойлигини кўпайтиришга, халқ ва давлат маблағларини тежаб сарфлашга ёрдам беражагини та'кидлаб ўтдилар. Тошкентдаги 1-нчи пойафзал фабрикасининг коллективи Лидия Корабельникованинг таклифини чуқур муҳокама қилгандан сўнг ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ойида камида бир кун тежалган материаллар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчи, инженер-техник ходимлари хомаш'ёни тежаб сарфлаш ҳисобига 1 майга қадар пландан ташқари 60 минг метр газлама ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

Иқтисодий тежаш—социалистик хўжаликка хос методдир. Ўртоқ Л. М. Каганович Тошкент-Ленин сайлов округи сайловчиларининг 1950 йил 9 мартда бўлиб ўтган йиғилишида хомаш'ё ва материалларни тежаб ишлатиш масаласига алоҳида тўхталиб, бундай деган эди:

«Социалистик тежаш масаласи социалистик давлатимизнинг бойлигини тобора кўпайтиришда катта ва жиддий масаладир. Социалистик хўжалик системамизнинг капиталистик хўжалик системасидан фарқи шуки, социалистик хўжалик системаси ҳарнарсани тежаб сарф қилади, у халқ учун фойдалидир, у исрофгарчиликларга, талон-торож қилишларга йўл қўймайди ва меҳнатга ҳамда модий бойликларга эҳтиёт блан қарайди».

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партиясининг X с'езди барча партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотларидан маҳсулот таннархини янада камайтиришни, хомаш'ё, ёқилғи, материалларни ва электр қувватини тежаб сарф қилишни талаб этди. Партия ташкилотлари с'езднинг бу кўрсатмасини сўзсиз бажаришлари, ҳарбир совет киши сини халқ ва давлат манфаатини ҳамма нарсадан юқори қўйиш руҳида, меҳнатни севиш ва қадрлаш руҳида, халқ ва давлат мулкини кўзқорачиғидай сақлаш, маблағларни тежаб сарфлашда жонкуярлик кўрсатиш руҳида тарбия қилмоқлари керак. Биз ҳамма ишларимизда иқтисодий тежашга қаттиқ риоя қилганимиздагина, исрофгарчиликларга йўл қўймаганимизда, хомаш'ё ва материалларни, совет тийинини тежаб сарфлаганимиздагина халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантириш юзасидан тузилган бешйиллик планни муваффақиятли бажарган бўламиз.

Хомаш'ё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш ва корхоналарнинг рентабельлигини ошириш учун кураш—мавсумий иш бўлмай, балки партия, комсомол, касаба союз ташкилотлари ва корхона раҳбарларининг эътиборини доимо ўзига жалб қиладиган, уларнинг ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятларини синовдан ўтказадиган энг муҳим ишдир. Саноат корхоналаридаги партия ташкилотлари хомаш'ё, электр қуввати ва ёқилғини тежаш учун бошланган курашни большевикча уюштиришлари, бу соҳадаги илғорларнинг иш тажрибаларини кенг оммалаштиришлари керак.

«Ленин—Сталин кўп марта такрорлаган иқтисодий тежаш қисқа муддатли кампания эмаслигини, балки хўжалик ишларининг социализмга хос методи эканлигини ба'зи хўжалик ходимларимиз ҳануз тушунмаётирлар. Совет киши лари бу кўрсатмаларни доим эсда тутишлари ва ўз ишларида бу кўрсатмаларга оғишмай амал қилишлари керак». (А. Жданов). Иқтисод қилинган ҳарбир дециметр чарм, ҳарбир метр газлама ва ҳарбир тийин пул давлатимиз экономикаси ва маданиятни тобора ривожлантиришга, халқимиз турмушини бундан ҳам фаровон қилишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилажагини унутмаслик лозим. Хомаш'ё ва материалларни тежаб ишлатишга аҳамият бермасдан э'тиборсизлик блан қараётган хўжалик ходимларининг ҳатти-ҳаракатларига кескин зарба бериш керак. Ҳарбир совет сўмини эҳтиёт қилиб сақлаш, халқ хўжалигининг эҳтиёжлари учун саноатдан мумкин қадар кўпроқ маблағ ажратиб бериш—саноат министрликларининг, корхона раҳбарларининг, партия ва совет ташкилотларининг ишларида етакчи принцип бўлмоғи лозим.

Хомаш'ё ва материалларни тежаш учун курашда ишлабчиқариш технологиясини мукаммаллаштириш, меҳнатни тўғри уюштириш, маблағ жамғарилаётган янги манба'ларни ишга солиш, хўжасизликни тугатиш, асбоб-ускуналардан тўғри ва унумли фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Партия, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари ихтиро'чи ва новаторларнинг ижодий ташаббусларини қувватлаб, ишлабчиқаришни ихчамлаштиришга имкон берадиган техника янгиликларидан фойдаланишда уларга амалий ёрдам беришлари, кўп меҳнат талаб қиладиган иш жараёнларини комплекс асосда машиналаштириш йўли блан меҳнат унумини доим оширишга ва маблағ жамғаришни кўпайтиришга эришмоқ керак.

Республикамиз саноат корхоналарида, темир йўл транспортида, колхоз далаларида майдон социалистик мусобақаси кучайиб кетди. Партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг асосий вазифаси—бу мусобақани умумхалқ ҳаракатига айлантиришдан, мусобақанинг бутун кучи ва та'сирини ишлабчиқариш планларини тўла ва оширибо бажаришга қаратишдан иборатдир.

Улуғ йўлбошчимиз ўртоқ Сталининг етакчилигида, шонли большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида коммунизмнинг янги ғалабалари сари олға қараб бораётган совет киши лари социалистик Ватанимиз қудратини тобора мустаҳкамлаш ва шон-шуҳратини янада ошириш учун ҳормай-толмай курашадилар, ўзларининг бутун куч ва ташаббусларини давлатимиз бойлигини кўпайтиришга, халқимиз турмушини бундан ҳам фаровон қилишга сафарбар этадилар.

ЭКИШ КУНДАЛИГИ

Фарғона водисида чигит экишнинг бориши

Фарғона водисидаги колхозлар ва совхозлар бу йил чигит экишга ўтган йилдагига қараганда анча эрта киришдилар.

Шунга қарамай, Фарғона водисида чигит экишнинг боришини қониқарли деб бўлмайди. 27 мартга олинган ма'лумотларга кўра, Фарғона области чигит экиш планини 5 процент, Андижон области 7,1 процент, Наманган области 14,4 процент бажарган.

Бирқанча районларда чигит экиш кечикмоқда. Фарғона областининг Киров, Молотов, Фрунзе, Олтиариқ районлари; Андижон областининг Ойим, Жалақудуқ, Марҳамат районлари; Наманган областининг Косон, Поп районлари чигит экишда айниқса орқада қолмоқдалар.

Фарғона водисидаги бирқанча районларда чигит экишнинг секин боришига сабаб шуки, бу районларда экиш олдидаги энг муҳим ишлар шу дамгача тамомланмаган. Масалан, Фрунзе ва Бувайда районларида шўрхок ерлар кўп бўлишига қарамай, бу ерларни ювиш судралмоқда. Ойим ва Марҳамат районларида кўп колхозлар уруғлик чигит ва уни дорилайдиган материаллар блан та'минланмаган.

Фарғона водисининг колхозлари чигитни ҳозиргига қараганда тез ва яхши экиш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар. Чигит экиш графигини муваффақиятли бажараётган бирқанча районларнинг, шу жумладан Чинобод, Ҳолдевонбек, Сталин, Чуст, Тўрақўрғон ва Уйчи районларининг тажрибаси буни тасдиқлайди.

Ер ҳайдаш ва ерни чигит экишга тайёрлаш сур'ати оширилиши керак. 25 мартга олинган ма'лумотларга кўра, Наманган областида ер ҳайдаш плани 62,4 процент, Андижон областида 47,5 процент бажарилган. Трактор блан ер ҳайдаш планини бажаришда Фарғона водисининг колхозлари, айниқса Фарғона областидаги колхозлар республикада энг кейинги ўринда турадилар.

Ҳозирги вақтда чигит экишда республиканинг областьлари ўртасида бораётган мусобақада Наманган области учинчи ўринда, Андижон области еттинчи ўринда, Фарғона области саккизинчи ўринда туради. Бу мусобақада олдинги ўринга чиқиш Фарғона водисидаги пахтакорларнинг шарафли бурчидир.

Совет Ўзбекистонида

(«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИДАН)

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи республика жамиятининг янги бўлими

Шу йил март ойида Чирчиқ шаҳрида сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи Ўзбекистон жамиятининг бўлими ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда бу бўлимнинг 77 ҳақиқий а'зоси, 9 мусобақадош а'зоси бор. Бўлим фаолияти блан боғлиқ бўлган ташкилий масалалар ҳал этилиб, келгусида қилинадиган ишлар плани ва лекцияларнинг тематикаси ишлаб чиқилди. Бўлим а'золари ижтимоий, сиёсий ва илмий билимларга доир темаларда лекциялар ўқий бошладилар.

Пилла қурти уруғлари инкубаторияга қўйилди

Сурхондар'ёда кунлар исиб кетди. Тут дарахтлари барг чиқара бошлади. Областьда қурт уруғларини инкубаторияларга қўйиш ўтган йиллардагига қараганда 4—5 кун олдин бошланди.

Яна бирнеча кундан кейин инкубаторияларда жойлантирилган қуртлар Термиз, Шеробод, Жарқўрғон районларидаги колхозларга тарқатилади.

Ҳунармандларнинг пахтакорларга ёрдами

Республикадаги ҳунармандчилик артельларининг коллективлари қишлоқ хўжалиги асбоблари ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиб, кўклам дала ишларини муваффақиятли ўтказишда пахтакорларга ёрдам бермоқдалар.

Металлопромсоюз ва Многопромсоюз артельлари I кварталда пахтакорлар учун 75 минг кетман, 224 арава, МТСлар учун 683 бочка, 52 цистерна ишлаб чиқардилар. Наманган дағи «Қизил болға», Тошкентдаги «Қизил олов» артельларининг а'золари қишлоқ хўжалиги асбобларини ремонт қилишда колхоз устахоналарига ва трактор бригадаларига ёрдамлашмоқдалар.

Кўкламга доир юклар аэропланларда ташилмоқда

Шу кунларда Граждан ҳаво флотининг Тошкент аэропортидан кўкламга доир материаллар, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари учун зарур запас қисмлар ортилган аэропланлар ҳар куни парвоз қилмоқда. Тошкент, Самарқанд, Фарғонадаги кўчатзорлар Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областидаги колхозларга кўп миқдорда ток ва мева дарахт кўчатлари жўнатмоқдалар. Қорақалпоғистон АССРдан Украина колхозларига кўп миқдорда уруғлик чигит аэропланда жўнатилди.

Сухуми ва Батумидан Ўзбекистонга 120 минг туп цитрус кўчати келтирилди.

Колхозлар учун химизатор кадрлар

БУХОРО. Областьнинг машина-трактор станциялари ҳузурида колхозлар учун химизаторлар тайёрлайдиган курслар очилган эди. Яқинда бу курсларда ўқишлар тамом бўлди. 450 колхозчи пахта зараркунандаларига қарши кураш усулларини ўргандилар.

Самарқандда якка тартибда уй-жой қурилиши

Самарқанд шаҳрида урушдан кейинги йилларда якка тартибда 400 дан ортиқ янги уй-жой қурилди.

Шаҳарда якка тартибда уй-жой қурувчилар учун ер участкалари ажратилмоқда. Темирйўлчилар, «Красний двигатель», «Кинап», «Серп и Молот» ва бошқа корхоналарнинг ишчилари уй-жой қурадилар. Бу йил шаҳарда якка тартибда 250 та уй-жой қуриш мўлжалланади.

Цитрус кўчатлари ўтказилмоқда

ҚАРШИ. Бу йил областьда цитрус ўсимликлари анча кўпайтирилади. Шаҳрисабз районидаги Сталин номли колхозда минг тупдан кўпроқ цитрус кўчати ўтказилади. Тажрибали боғбонлар кўчат ўтказиш учун чуқурлар қазиб қўйдилар. Китоб районидаги Сталин номли колхозда 500 тупдан ортиқ кўчат ўтказилади. Қарши районидаги колхозларда ҳам бу йил биринчи марта цитрус кўчатлари ўтказилади.

Область қишлоқ хўжалик бошқармаси цитрусчилар учун агротехника семинари ўтказди.

ЗЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ССР саноат, қишлоқ
н, маданият ва сан'ат
ден ва медальлар блан
наш тўғрисида *

пуб-
ир-
ч-

671. Раҳмонов Набижон — Молотов районидаги 2-нчи МТСнинг трактор чиси.
672. Раҳмонв Темир — Бухоро шаҳар ижроия комитети соғлиқни сақлаш бўли-

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлимида

Яқинда Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлимида область партия комитетлари секретарлари ҳамда пропаганда ва агитация бўлимлари мудирларининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда Самарқанд, Қашқадар'ё, Қорақалпоғистон область партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлим мудирларининг коммунистлар ўртасида сиёсий ўқишнинг бориши ва партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини тамомлашга тайёргарлик кўриш тадбирлари тўғрисидаги докладлари эшитилди.

Докладларда ва кенгаш қатнашчиларининг нутқларида бу областларда коммунистлар ўртасида сиёсий ўқувчинг қониқарсиз олиб борилаётганлиги, айрим жойларда эса ёмон уюштирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Самарқанд, Қашқадар'ё областларида ва Қорақалпоғистон АССРда кўпгина сиёсий мактаблар, «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ўрганиш, Ленин ва Сталин таржимаи ҳолларини ўрганиш тўгараклари, шунингдек район партия комитетлари ҳузуридаги партия кечки мактаблари йил давомида мунтазам ишламаган. Машғулотлар кўпинча ўтказилмай қолган, ўтказилган жойларда эса машғулотларнинг гоявий савияси паст бўлиб, коммунистларнинг гоявий-сиёсий билимини оширишга етарли ёрдам бермаган.

Бундай аҳволнинг юз беришига сабаб шуки, область ва район партия комитетлари пропаганда ишига етарли эътибор бермай, ҳали ҳам бу ишга юзаки раҳбарлик қилмоқдалар, айрим район комитетларининг, масалан, Самарқанд областидаги Жомбой, Галлаорол, Қашқадар'ё областидаги Чироқчи, Шаҳрисабз, Қорақалпоғистон АССРдаги Хўжайли ва Шоббоз район партия комитетларининг секретарлари амалда пропаганда ишларидан ўзларини четлатиб қўйганлар, коммунистларнинг сиёсий савиясини оширишга а'тиборсизлик ва мас'улиятсизлик блан қараб келмоқдалар, улар партия ташкилотларининг амалий ишларини партия а'золари ва кандидатларининг сиёсий-назарий савиясини ошириш ишлари блан тўла мувофиқлаштириб олиб борилган тақдирдагина бу иш муваффақиятли, та'сирли бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги пайтия кўрсатмасини унутган бўлсалар керак.

Кенгашда Самарқанд область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Бобоҳонов, Қашқадар'ё область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Жўраев ўртоқларнинг ярамас иш услуби ва суст ишлаётганликлари қаттиқ танқид қилинди. Бу ўртоқлар ўзларининг асосий иш соҳалари бўлган партия маорифини уюштиришга принципсизлик, мас'улиятсизлик блан қараганлар.

Бобоҳонов ва Жўраев ўртоқлар партия маорифига юзаки раҳбарлик қилиб, асосан қархил ма'лумот тўплаш, телефон орқали кўзбўямачиликдан иборат ахборотлар олиш блан шуғулланганлар, амалий ишдан узоқлашганлар.

Самарқанд ва Қашқадар'ё область партия комитетларининг пропаганда ва агитация бўлимлари партия маорифига раҳбарлик қилишда пропаганда кадрларининг назарий ва методик билимини оширишнинг муҳим вазифани унутиб қўйганлар. Бу областьларда пропагандистларнинг умумий ишловчи район, шаҳар семинарлари ах'ёнда-ах'ёнда паст савиядаги лекцияларни ўқиб беришдан иборат бўлади.

Кенгашда та'кидлаб ўтилишича, бу областьларда коммунистларнинг марксизм-ленинизм назариясини мустақил ўрганишларига аҳамият берилмай қўйилган. Мустақил ўқувчиларнинг кўпчилиги, айниқса район партия ва совет активлари фақат ўзига партия тарихини ўргатувчи деб ҳисобланадилар, амалда ўз билимларини ошириш блан шуғулланмайдилар.

Кенгашда ўзига чиққан Арнаутов (ВКП(б) Марказий Комитети вакили аппаратидан), Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Холиқов ўртоқлар кенгаш қатнашчиларининг э'тиборини партия маорифини уюштиришдаги жиддий нуқсонларни қисқа муддатда тугатиш зарурлигига жалб қилдилар. Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини муваффақиятли тугаллашга тайёргарлик ҳар ҳол кучайтириб юборилиши лозим. Шунга эришмоқ керакки, йил охиригача республикада ўқув планининг лоақал биринчи бўлимини, я'ни 5—7 темасини ўтмаган бирорта ҳам сиёсий мактаб ва тўгарак қолмасин.

Кенгашда область партия комитетлари пропаганда ва агитация бўлимларининг ишини яхшилашда, коммунистларнинг сиёсий ўқувини уюштиришда партия ташкилотларига амалий ёрдам бериш зарурлиги кўрсатилди. Пропаганда ва агитация бўлимларининг ходимлари маҳаллий партия ташкилотларига тез-тез бориб туришлари, сиёсий мактаб, тўгарак ва район партия мактабларининг машғулотларига қатнашишлари, пропагандистларнинг иш тажрибасини оммалаштиришлари керак. Пропагандист кадрларни ўстириш ва тарбиялаш, уларнинг сиёсий савиясини ошириш ва машғулотларни сифатли ўтказишда доим ёрдам бериб туриш айниқса муҳимдир.

Кенгаш қатнашчилари ўз жойларига қайтганларидан кейин, ҳарбир районда партия маорифининг аҳволини дарҳол ўрганиб чиқишлари керак. Район партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари ҳарбир сиёсий мактаб, тўгарак, район партия мактаби, катта ёшдагилар ўқийдиган умумий та'лим мактабидаги аҳвол блан батафсил таниниб, уларнинг ишини яхшилашга, ўқув йилини муваффақиятли тамомлашга ёрдам бераднган амалий тадбирларни кўришлари лозим.

Кенгаш охирида Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ваҳобов нутқ сўзлади. У, партия коммунистларининг сиёсий ўқувига гоят катта аҳамият бераётганлигини айтиб, барча партия ва совет раҳбар ходимларини, шу жумладан республика ходимларини, область ва район партия комитетларининг секретарларини пропаганда ишига жалб қилиш, уларга сиёсий мактаб ва тўгаракларга раҳбарлик қилиш вазифасини топшириш зарурлигини айтди. Бу эса коммунистларнинг сиёсий ўқувини яхшилашга ёрдам беради.

Ўртоқ Ваҳобов ўз нутқининг охирида аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтириш, сайлов кампаниясн даврида агитация-пропаганда ишлари соҳасида ортдирилган бой тажрибани кенг ёйиш, республиканинг барча меҳнаткашларини кўклам дала ишларини муваффақиятли ўтказишга сафарбар қилишда бу тажрибадан фойдаланиш соҳасида пропаганда ва агитация бўлимлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Кенгашда пропаганда ва агитация бўлимларининг партия маорифига раҳбарлик қилишини яхшилашга оид бирқанча таклиф ва нетаклар билдирилди.

чак ва Деникинининг оқгвардиячи армиялари тор-мор келтирилди. Душманнинг Царицинга икки марта қилган ҳужуми қайтарилди ва Қизил Армия ҳамда Петроград ишчилар синфининг қаҳрамонона ҳаракати натижасида, Петроград душманининг ҳамласидан икки марта сақлаб қолинди.

В. И. Ленин ва И. В. Сталин Қизил Армия ғалабаларининг илҳомчилари ва ташкилотчилари бўлдилар.

Рарбда революцион ҳаракатнинг кучайиши ва бутун мамлакатда Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланиши империалистларни совет давлатига нисбатан ўзлари тутган сиёсатни ўзгартиришга мажбур этди. 1920 йил 2 февральда Юрьева Эстония блан биринчи сулҳ шартномаси имзоланди.

1920 йил январь ойида Англия, Франция ва Италия ҳукуматлари Совет Россиясини қамал қилишни тўхтатишга мажбур бўлдилар. Шундан кейин ҳарбий ва граждан асирларни айирбошлаш, бир-бирларига дипломатия вакиллари юбориш ҳақида бирқанча давлатлар блан битимлар тузилди.

«Деникин тор-мор қилингандан кейин Советлар мамлакати бироз тинчиб дам олди: бу вақтда Сталин, Ленининг топшириғи блан, Украинанинг уруш натижасида вайрон бўлган хўжалигини тиклаш ишларига раҳбарлик қилди» (Иосиф Виссарионович Сталин. Қисқача таржимаи ҳол, 86 бет, Ўздавнашр, 1949 йил).

Граждан урушида вақтинча «талафъус» юз берди. Бу фурсатдан мамлакатнинг оғир хўжалик аҳволини яхшилаш учун фойдаланиш зарур эди. Ўртоқ Сталин та'лим берганидек «барча кучларни хўжалик ва Деникинининг оқгвардиячи армиялари тор-мор келтирилди. Душманнинг Царицинга икки марта қилган ҳужуми қайтарилди ва Қизил Армия ҳамда Петроград ишчилар синфининг қаҳрамонона ҳаракати натижасида, Петроград душманининг ҳамласидан икки марта сақлаб қолинди.

В. И. Ленин ва И. В. Сталин Қизил Армия ғалабаларининг илҳомчилари ва ташкилотчилари бўлдилар.

Рарбда революцион ҳаракатнинг кучайиши ва бутун мамлакатда Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланиши империалистларни совет давлатига нисбатан ўзлари тутган сиёсатни ўзгартиришга мажбур этди. 1920 йил 2 февральда Юрьева Эстония блан биринчи сулҳ шартномаси имзоланди.

1920 йил январь ойида Англия, Франция ва Италия ҳукуматлари Совет Россиясини қамал қилишни тўхтатишга мажбур бўлдилар. Шундан кейин ҳарбий ва граждан асирларни айирбошлаш, бир-бирларига дипломатия вакиллари юбориш ҳақида бирқанча давлатлар блан битимлар тузилди.

«Деникин тор-мор қилингандан кейин Советлар мамлакати бироз тинчиб дам олди: бу вақтда Сталин, Ленининг топшириғи блан, Украинанинг уруш натижасида вайрон бўлган хўжалигини тиклаш ишларига раҳбарлик қилди» (Иосиф Виссарионович Сталин. Қисқача таржимаи ҳол, 86 бет, Ўздавнашр, 1949 йил).

Граждан урушида вақтинча «талафъус» юз берди. Бу фурсатдан мамлакатнинг оғир хўжалик аҳволини яхшилаш учун фойдаланиш зарур эди. Ўртоқ Сталин та'лим берганидек «барча кучларни хўжалик ва

ийл март ойида [illegible] Коммунист (большевик)лар Партиясининг IV конференциясида катта доклад қилди. Ўртоқ Сталин халқ хўжалигимизнинг қандай аҳволда эканлигини таснирлаш ва халқ хўжалигини тиклаш вазифаларини белгилаб берди.

1920 йилда Россиядаги йирик саноатнинг маҳсулоти урушдан аввалдагига нисбатан қарийб 7 марта кам эди. Темир йўл транспорти империалистик уруш ва граждан урушн йилларида жуда кўп зарар кўрди.

Халқ Комиссарлари Совети 1920 йил 29 январьда умумий меҳнат мажбурияти тўғрисида Ленин томонидан ёзилган декретни чиқарди. Бу декретга мувофиқ, меҳнаткашлар, доимий ишларидан қат'ий назар, қархил қўшимча ишларни ҳам бажаришга жалб этилди. Неча минглаб коммунист транспортни ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини тиклаш учун юборилди.

Ишчи ва деҳқонлар мудофаси кенгашн меҳнат ва мудофаа кенгашига айлантирилди. Бу кенгашга ёрдам бериш учун давлат план комиссияси тузилди.

В. И. Ленин 1920 йил январь ойида Россияни кенг миқ'ёсда электрлаш планини олга сурди. Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг сессияси 7 февральда Россияни электрлаш юзасидан 10—15 йилга мўлжалланган планни тузиш ҳақида махсус қарор чиқарди. РКП(б)нинг IX с'езди арафасида, я'ни 24 мартда «Россияни электрлаш давлат комиссияси» (ГОЭЛРО) тузилди.

ГОЭЛРО планига мувофиқ, 10—15 йил ичида жам'и бир ярим миллион киловатт қувватга эга бўлган 30 район электр станциясини қуриш керак эди. Бу план [illegible] ичида партия ўз сафларини анча мустаҳкамлади.

Партия VIII с'езднинг қарорига мувофиқ, партиянинг умумий составини яхшилаш мақсадида, коммунистлар қайтадан рўйхатга олинди ва партия сафлари тозаланди. Марказий Комитет 1919 йил сентябрь ойида барча партия ташкилотларига «Партия ҳужжатларини ўтказиш тўғрисида» хат юборди. Бу вақт ичида ишчилар синфи, деҳқонлар, Қизил Армия ва флотнинг энг яхши вакилларидан 200 минг киши партияга қабул қилинди.

Ўша даврда коммунистик ташкилотларга раҳбарлик қилиш учун область ва районларда Марказий Комитетнинг миллий бюролари, шу жумладан Туркистон бюроси ташкил этилди.

Шундай вазиятда РКП(б)нинг IX с'езди очилди. С'ездда партиянинг 611.798 а'зосидан ҳақиқий овоз блан 554 делегат ва маслаҳат овози блан 162 делегат қатнашди.

С'ездда иқтисодий қурилиш, касаба союзларининг роли ҳақидаги масалалар ва ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

В. И. Ленин партиянинг ишлари тўғрисида ҳисоб берди. У, ўз докладида большевиклар партиясининг граждан урушидаги буюк ташкилотчилик ва раҳбарлик ролини алоҳида уқириб ўтди. Ленин, империалистларнинг нафасни ростлаб олиш муддатини бузиб, ҳарқачон уруш ҳаракатларини бошлаб юборишлари эҳтимоли борлигини та'кидлади ва шу сабабдан, сафарбарликка тайёр туришга, революциянинг ғалабаларини ҳуш'ёрлик блан қўриқлашга ва Қизил Армияни мустаҳкамлашга чақирди.

Мамлакатнинг мудофаа қувватини мустаҳкамлаш блан бирга, хўжалик масалалари [illegible] давлатининг манфаатлари учун фойдаланиш керак эди.

«Демократик централизм» группаси (Сафронов, Осинский, Смирнов ва бошқалар) Ленининг бу кўрсатмасига қарши чиқди. Хоин Риков ва Томский уларни қувватлади. Хоин Бухарин ҳам интизомга ва яккабошчиликка қарши чиқди. Улар сўл гапларни ниқоб қилиб, эски мутахассислардан фойдаланишга қарши чиқиш блангина қолмай, давлат аппаратини марказлаштириш, саноат ва транспортда яккабошчиликка ва шахсий жавобгарликни оширишга ҳам қарши чиқдилар.

Халқ душмани Троцкий буржуа мутахассисларига тўла мустақиллик беришни ва уларнинг ишларини назорат қилиб туришни, шунингдек ҳамда ишчилар синфи партиясини хўжалик ишларидан четлатишни таклиф этди. Большевизмнинг ана шу душманларига Ленин қаттиқ зарба берди.

Ленин ўзининг ҳисобот докладида саноат ва транспортни тиклашга, эски мутахассисларни қайтадан тарбиялаш ва ишчилар орасидан янги мутахассислар етиштиришда касаба союзларининг роли гоят катта эканлигини та'кидлади.

С'езд Марказий Комитетининг сиёсий йўлини ва ташкилий ишларини тўғри деб топди.

С'ездда муҳокама қилинган энг муҳим масалалардан бири—хўжалик қурилишининг навбатдаги вазифалари тўғрисидаги масала эди. С'езднинг резолюцияларида ягона хўжалик плани масаласи марказий ўринни олди. Бу план биринчи галда транспортни, ёқилғи саноатини, металлургияни ривожлантиришни кўзда тутар эди. Бу планда бутун халқ хўжалигини электрлаш масаласи асосий ўринни олди.

Большевизмнинг душманлари — Троцкий, Риков ва уларнинг ҳаммаслаклари Ленининг IX с'ездга таклиф этган хўжалик қурилиши планига қарши чиқдилар. С'езд бу душманларни фош қилди ва Ленининг планини қабул қилди.

Партиянинг IX с'езди хўжалик қурилиши соҳасидаги буюк вазифаларни бажариш учун мусобақа уюштириш масаласини илгари сурди, социалистик мусобақа жамиятимиз тараққиётини тезлаштирувчи кучлардан бири эканлигини ўқиб-риб ўтди.

Партиянинг IX с'езди халқ хўжалигини тиклаш вазифаларига мувофиқ, 1920 йил 1 Май—халқаро пролетариат байрамини умуммиллий миқ'ёсдаги шанбаликка айлантиришга қарор қилди.

★

Партиянинг IX с'езди, Ленининг кўрсатмасига мувофиқ, касаба союзларини хўжалик қурилишида актив қатнаштириш тўғрисида қарор чиқарди.

Ленинизмнинг душманлари партия, совет давлати ва касаба союзларининг ўзаро муносабатларини бузишга уриниб кўрдилар. Троцкий ва унинг ҳаммаслаклари касаба союзларини «давлатлаштириш»ни таклиф этишлар. Бу таклиф эса касаба союзларининг оммавий ихтиёрий ташкилот сифатидаги аҳамиятини йўқотар ва партиянинг ишчилар синфига раҳбарлик қилишига имконият бермас эди. Кейинчалик (X с'ездан кейин) ишчи оппозициясини вужудга келтирган бошқа бир группа (Шляпников, Медведев, Коллонтай) давлат вазифаларини касаба союзлари ихтиёрига топширишни талаб этди. Бу группа шу таклифи блан совет давлатининг ўз ролини бажаришига ҳалақит бермоқчи бўлган эди. С'езд бу таклифларни, большевизмга хилоф, зарарли таклифлар, деб рад этди.

С'езд пролетариат диктатураси шароитида коммунистлар партиясининг касаба союзларига раҳбарлик қилиш усули ва шаклларини белгилаб берди. Касаба союзлари большевиклар партиясининг сиёсатини амалга оширишлари ва партиясиз меҳнаткаш табақаларни тарбиялашлари керак эди.

Партия IX с'ездининг қарорига мувофиқ, ҳарбир касаба союзида яхши уюштирилган партия группаси ташкил этилди. С'езд саноатимизнинг ишчилар орасидан етакчи кадрларини тайёрлаш—касаба союзларининг асосий вазифаларидан бири, деб кўрсатди.

IX с'ездан буён ўтган йиллар ичида касаба союзлари ишчилар синфининг кўп миллионли ташкилотига айланди. Улар Ленин—Сталин партияси томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли суратда бажармоқдалар.

Нафасни ростлаб олиш фурсати ва совет мамлакатининг хўжалигини тиклашга ўтиши партиядан ўз ишларини ва ўз сафларини қайтадан қуришни талаб этар эди. Партия IX с'езди ўз қарорида партия кучларини тўғри тақсимлаш ва коммунистларни ихтисослари ва касбларига қараб қархил соҳаларга тўғри жойлаштиришни партиянинг асосий ташкилий вазифаси деб кўрсатди. С'езд коммунистларни аниқ ҳисобга олишни ва шу асосда ягона партия билети белгилашни талаб этди. Шу блан бирга, с'езд кадрларни тарбиялаш, ўқитиш ва раҳбарлик лавозимларига кўтариш вазифасини қўйди.

РКП(б)нинг IX с'езди партия пропагандасига ва большевистик пропагандага ҳамда агитацияни кучайтиришда матбуотнинг ролини оширишга кўп э'тибор қилди.

★

В. И. Ленин с'езини ёпиш вақтида сўзлаган нутқида с'езднинг ишларига якун ўтказди ва с'ездда қабул қилинган қарорларнинг тарихий аҳамиятга эга эканлигини та'кидлаб ўтди.

РКП(б)нинг IX с'езди мамлакатимизда социализмнинг ғалабаси учун курашда катта роль ўйнади. Ўша вақтдан буён большевиклар партиясининг сафи гоят ўсиб, қудратли кучга айланди.

Ватанимиз коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида, ўртоқ Сталининг доно етакчилигида оламшумул-тарихий йўл босиб ўтди. Бу йўл кураш ва ғалабалар йўли. Ленин—Сталин ишларининг тантанаси йўлидир. **И. С. ПРИЦКЕР.**

Тарих фанлари кандидати.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Сайловчиларнинг топшириғини тўла бажарамиз

(Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар, Киров район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. АБДУРАҲМОНОВА блан суҳбат)

СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловларнинг энг катта ютуқларидан бири шуки, маҳаллий советларнинг кенг меҳнаткашлар оммаси блан алоқаси янада мустаҳкамланди, совет ҳамда хўжалик ташкилотларининг ишларини назорат қилиш кучайди. Давлат ҳокимияти олий органига бўлиб ўтган сайловлар меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги бениҳоя ўсганлигини, халқ қуйидан туриб маҳаллий совет ишларини жиддий суратда танқид қилаолишини яққол кўрсатди.

Район Советининг депутатлари ва активлар сайлов кампанияси блан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни муваффақиятли ҳал этишда район партия ҳамда совет ташкилотларига яқиндан ёрдам бердилар, сайлов участкаларини жиҳозлаш ва сайловчилар ўртасида сиёсий -оммавий иш олиб боришда катта фаолият кўрсатдилар.

Район Советининг депутатларидан Ҳолматов, Азимов, Соголев, Шодиҳўжаев ва бошқа ўртоқлар участка сайлов комиссияларининг раислари бўлиб ишладилар. Улар сайлов қонунини оғишмай амалга ошириш, меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, ташкилий-техника ишларни уюштиришда намуна кўрсатдилар. Кекса большевик, пенсия олучи Мирзаяҳмад Мирҳолиев-ёш сайловчилар ўртасида катта иш олиб борди. У, сайлов участкаларида ёшлар блан учрашиб, суҳбатлар ўтказди. У, бу суҳбатларда Октябрь революциясигача меҳнаткаш халқнинг ҳуқуқсизлиги, жабр-жафо чекканлиги ҳақида гапириб берди. Ўртоқ Мирҳолиев большевиклар партиясининг Октябрь социалистик революциясини уюштиришдаги, маълум халқларни озод қилиш, ленинча-сталинча миллий сиёсатни амалга оширишдаги ғоят катта хизматларини сўзлаб берди. Совет ташкилотлари ишларига кўп йиллик тажрибага эга бўлган Сайдалихўжаев, Шермуҳамедов ва бошқа ўртоқлар ҳам сайлов кампаниясида зўр ғайрат блан ишладилар. Совет активларидан 160 киши агитаторлар блан биргаликда меҳнаткашлар ўртасида сиёсий тушунтириш ишларини олиб борди.

Сайлов даврида меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги бениҳоя ўсганлигини шуидан ҳам билиш мумкинки, улар сайловолди йиғилишларига ҳамжиҳат бўлиб келдилар, маҳаллий Совет ва унинг ижро этуви органлари ишидаги камчиликларни очиб ташладилар, юз берган хато ва камчиликларни тугатиш, маҳаллий Советнинг омма блан алоқасини янада мустаҳкамлашга оид жуда яхши маслаҳатлар бердилар, йўл-йўриқлар кўрсатдилар. Сайловчилар район коммунал хўжалиги бўлими, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва молия бўлимларининг ишида жуда катта нуқсонлар борлигини, ободончилик, кўкаламзорлаш, маданий-маиший муассасалар ишини кучайтириш, коммунал хўжалиги, жамоат бинолари, турар-жойларни ремонт қилиш ва шу каби муҳим ишлар меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларидан кейинда қолаётганлигини жуда тўғри кўрсатиб ўтдилар.


Киров район Советининг депутатлари ва активлари сайловчиларнинг танқидий мулоҳазалари уларнинг келажак ишлари учун катта ёрдам беражагини яхши тушуниб, меҳнаткашларнинг топшириқларини, таклиф ва илтимосларини амалга ошириш йўлида ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Район ижроия комитетининг ҳақида бўлиб ўтган йиғилиши сайловчилар қилган таклифларни муҳокама қилди ва бу таклифларни амалга ошириш учун тегишли тадбирлар белгилади. Ҳозир районни обод этиш, биринчи навбатда, катта йўл ҳамда йўлкаларни тузатиш учун қизғин иш олиб борилаётир. Войтинцев кўчасини текислаш ва бу кўчага тош ётқизиш ишлари бошланди. Тельман номли шаҳарчанинг йўлкаларига гишт териш тамом бўлай деди. Яқин кунларда бу йўлкаларга асфальт ётқизилади.

Район ижроия комитети сайловчиларнинг янги ҳаммом қуриш, кино-театр залини кенгайтириш, янги кўчалар очиш, аҳолига медицина хизматини кучайтириш тўғрисидаги талабларини ҳам бажариш учун курашмоқда. Янги ҳаммом қуриш учун 962 минг сўм пул ажратилди. Бу ҳаммом шу йилнинг октябрь ойида ишга туширилади. Чимкент кўчасидаги поликлиника ёнида тугуриқхонаси бўлган 50 ўринли касалхона очилади.

Район коммунал хўжалик бўлимининг ходимлари сайловчиларнинг танқидидан ўзлари учун тегишли хулоса чиқармоқдалар. Бу бўлимнинг ходимлари планда кўрсатилган янги қурилиш ишларини бажариш учун бутун кучларини сафарбар қилмоқдалар. Ҳозир Лабзак кўчасидаги кўприк ва йўлкалар тузатилмоқда. Полиграф кўчасига тош ётқизишга, Энгельс ва Киргиз кўчаларини ремонт қилишга киришилди.

Бу йил маданият ва истироҳат боғини кенгайтириш соҳасида кўп иш қилиш керак. Бу боққа мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилмоқда. Кино-театр биноси, танца майдони, янги ошхона, қизилчойхона, қироатхона учун бинолар қурилмоқда.

Меҳнаткашлар депутатлари Киров район Совети ижроия комитети сайловчиларнинг топшириқларини бажариш йўлида олиб борилаётган бу ишлар блан қаноатланиб қололмайди. Ҳали ишимизда жуда катта камчиликлар бор. Коммунал хўжалигига қарашли биноларни ремонт қилиш, йўл ва кўчаларни тузатиш, маданий-маиший муассасалар ишини яхшилашга катта иш қилиш керак. Район Советининг депутатлари, барча совет активлари партия ташкилотларининг раҳбарлиги ва яқиндан бераётган ёрдами блан сайловчиларнинг топшириқларини тўла бажарадилар.



Суратда: Оҳангарон шаҳрида кончилар учун қурилган тураржой биноси.
А. Ашкинезер фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўлкада кезади баҳор нафаси

Чаманда анқиган атр бўйидай
Ўлкамда кезади баҳор нафаси.
Меҳнат роҳатини тотган элимнинг
Меҳнатда ортади кўнгил наш'аси.

Тўлин ой ҳусни бор ҳар ёруғ юзда,
Тонготар бошланган меҳнат шавқидан.
Эртаннинг висоли анс этар бугун —
Кўнгил жўшқинда, шодлик завқидан.

Тоғ оша водидан эсган шабboда
Мирзачўл жўнсига бағишлар ҳаёт.
Бу ернинг боғбони—комсомоллардир —
Сталин фарзанди қаҳрамон авлод.

Бепсён бу саҳро бўмбўш ётарди,
Зғгу ниятларга Сир бермас қулоқ.
Шу саҳро йўлига отланган карвон
Манзилга етолмай йўлолар броқ...

Кўз ёши туфайли, мис каби саҳро
Олгандек бўларди бир нафас ором.
Бу йўлга отланган дарбадар карвон
Саҳролар қўйнида йўқолар беном.

Минг бор уриндилар авлод-аждодлар
Шу асрий саҳрони этмоқда обод.
Денгиз тўлқинида чўккан немадай,
Кўп йиллик меҳнатлар этилди барбод.

Фақат бизнинг қудрат—эллар қудрати,
Бу чўлни енголди, тизгини қўлда.
Қонтомирлар янглиғ каналлар қаздик,
Ильич чиреғлари ўнгда ва сўлда...

Ёқимли туйилар чўл қучоғида
Юзлаб тракторнинг янгроқ садоси.
Бепоён ўрмонлар, боғлар яралиб,
Яшнаб ўзгармоқда нўрли, ҳавоси.

Эртами, индинми бу водида ҳам
Гўзал Фарғонанинг ҳусни барқ урар.
Денгиздай мавжланиб олтин пахтазор,
Юлдуз чаманидай кулар, яркирар.

Ана, ўрталикда мағрур турилти,
Ленин—Сталиннинг буюк ҳайкали.
(Иккиси ажойиб суҳбат қуришиб
Ёнма-ён ўлтирган даври-маҳали).

Уларнинг нигоҳи уфққа туташ—
Нафтдай товланучи чексиз ерларда.
Шу ерни яшнатиб, гулбог этучи
Комсомол авлоди—моҳир шерлар-да!...

Қарасанг, қувониб завқинг келади,
Меҳнат армияси тер тўкар, ана.
Трактор гурриллар, кетманлар чақнар,
Ҳудди байрамдаги улуғ тантана.
Фақат бу чўлдакас, бутун ўлкамда
Гуркираб кезади баҳор нафаси.
Манглайин тангиган ҳар ботир эрнинг
Меҳнатда ортади кўнгил наш'аси.
Улкамнинг бир умр болиқнан нўридир
Иқтисқбол гунчаси—гўзал навбаҳор.
Толе'и қуёшдай порлаган элга
Баҳор—шараф-шондир, баҳор—ифтиҳор!

Мавлон ИКРОМ,
Маннон ҒАНИ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

☆

КУТУБХОНА ИШИНИ ЯХШИЛАШ КЕРАК

Фарғона область, Водил район, Ҳамзабоғ қишлоғидаги Ҳамза Ҳакимзода номли санаторийнинг кутубхонаси китобхонлар талабига тўла жавоб бермаётир.

Янги чиққан китоблар кутубхона учун ўз вақтида сотиб олинмайди. Кутубхонанинг китоб фонди етарли эмас.

Санаторияда даволанучи касалларга маданий хизматни яхшилаш, кутубхонани янги адабиётлар блан таъминлаш зарур.

Р. МАҲМУДОВ.

Ер ҳайдаш ва чигит экишни тобора кучайтириш — ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаси

Наманган область қишлоқ хўжалик бошқармаси кўклам дала ишларига юзаки раҳбарлик қилмоқда

Наманган областининг машина-трактор станцияларн ва колхозлари бу йил давлатдан кўп миқдорда кучли трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда жуда кўп автомашиналар олдилар. Областда мавжуд бўлган тракторлар ҳам ўтган йилдагига нисбатан бирмунча яхши ремонт қилинди. Шуниндек, ҳамма МТС-лар етарли миқдорда ёнилғи блан та'минланди.

Булар ҳаммаси областда ер ҳайдаш ва чигит экиш юзасидан белгиланган графикни тўла ва ошириб бажаришга, кўклам экиш ишларини муваффақиятли ўтказишга катта имконият туғдиради.

Броқ область қишлоқ хўжалик органлари бу имкониятлардан ер ҳайдаш ва чигит экишни кучайтириб, уни қисқа муддатда тугаллаш учун етарли фойдаланмаётирлар. Об-ҳаво шароитининг қулай келишига қарамасдан, пахта ерларини ҳайдаш ўтган йилдагидан ҳам суст бормоқда. Тракторларнинг кунлик ўртача иш унуми пландаги 3,6 ўринга 2,6 гектардан ошмаётир.

Бундай қолоқликнинг сабаблари қаерда? Область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Сухамлинов, пахтачилик бўлимининг бошлиғи В. Галяминский ўртоқлар бу саволга жавоб бериш учун жуда кўп сводка ва далоларни қараб чиқдилар. Охири, Косонсой, Учқўргон, Чуст ва Норин районларида 21—22 мартда ёғингарчилик бўлди, деган «сабабни» кўрсатдилар.

Юз берган қолоқликнинг ҳақиқий сабаби шуки, область қишлоқ хўжалик бошқармаси ва унинг бошлиғи С. Дадабоев, бошқармаининг бошқа раҳбарлари: Сухамлинов, В. Галяминский, МТС бўлимининг бошлиғи И. Скориков ўртоқлар кўклам дала ишларига юзаки раҳбарлик қилиб келмоқдалар. Улар, аввало, областдаги МТС ва колхозлардаги аҳволни яхши билмайдилар, юз берган хато ва камчиликларни тезликда битириш юзасидан ларзол амалий чоралар кўрмайдилар.

Да'вомининг исботи учун жуда кўп фактларнинг ба'зиларини келтирамиз: С. Сухамлинов, И. Скориков ўртоқлар 15—16 мартда Бўзағи МТС га командировкага чиқдилар. Улар бу ерда тракторчилар етишмагани учун, 14 трактор-нинг фақат бир смена ишлаётганини кўрдилар. Броқ улар бу камчиликларни ўз жойида бартараф қилиш масаласи блан қизиқмай қайтиб келаберадилар. Бу иш бошқарма бошлиғининг кадрлар бўйича ўринбосари ўртоқ Н. Мукаррамхўжаевга топширилди. Ўртоқ Мукаррамхўжаев эса бу масалани узил-кесил ҳал қилмай, бошқа районларга ўтиб кетди. Шундай қилиб, Бўз МТС ида 10 трактор ҳалигача бир сменада ишламоқда. Ба'зи машиналар эса шогирдларга топшириб қўйилган. Ҳолбуки, МТС хизмат қилаётган колхозларда ўналб ихтисосли тракторчи кадрлар топилади.

МТС директори ўртоқ А. Муҳиддинов кабинетдан чиқмай ишлашга одатланиб қолган. У ишлаб турган тракторчилар ўртасида маданий-маиший хизматни яхшилашга аҳамият бермай келаётир. Ниҳоят, бу МТС да қишлоқ хўжалик бошқармаси ва бошқа ташкилотлардан келган ўн кишилик ёрдамчи бригада ишламоқда. Лекин улар ҳам кўнгилдагидек ёрдам бермаётирлар. Бунинг натижасида, Бўз МТС ида ер ҳайдаш юзасидан берилган кунлик график 50 процент ҳам бажарилмаётир. Тракторчилар ҳар куни 1,4 гектарга етказиб ер ҳайдаётирлар, холос.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг III пленуми пахта экиладиган ерлар камида 28 — 30 сантиметр чуқурликда ҳайдалсин, деб талаб қилган эди. Шунга қарамай, область қишлоқ хўжалик бошқармаси барча МТС ларга «ерлар 25 сантиметрдан юқори қилиб ҳайдалсин» деган мужмал кўрсатма берган.

Область қишлоқ хўжалик бошқармасининг кўклам дала ишларига ана шундай пала-партиш раҳбарлик қилиб келаётганлиги орқасида, кўпгина МТС ва колхозларда ер ҳайдаш ва чигит экиш йўл қўйиб бўлмаслик даражада кечиктирилмоқда.

Тўрақўрғон районидаги 1-нчи МТС хизмат қилаётган Аргин қишлоқ советидаги «Коммуна» колхози қолоқ колхозлардан ҳисобланади. Лекин 150 гектар ерга чигит экиши керак бўлган бу колхозга ҳалигача битта ҳам трактор юборилмаган. МТС нинг вақтинча директори ўртоқ С. Алашев колхозда 1 та НАТИ трактори ишлаётганини айтади. Ҳақиқатда эса, бу трактор колхозга қишда олиб келинганича, ҳали ҳам саройда ремонтсиз ётибди. Бу колхозга қўшни бўлган Маленков номли колхозга эса МТС 4 трактор юборган. Аммо ёнилғи етказиб берилмаганидан, бу тракторларнинг 2 таси бекор турипти.

Наманган область партия, совет ташкилотлари, айниқса область қишлоқ хўжалик бошқармаси МТС ва колхозларга амалий раҳбарликни кучайтириб, ер ҳайдаш ва чигит экиш юзасидан белгиланган графикнинг сўзсиз бажарилишини та'мин этмасалар, ер ҳайдаш ва чигит экиш бу йил ҳам ўтган йилдагидек кейинга сурилиб кетиши мумкин.

С. ОТАЖОНОВ.

Чигит экишни 1 апрельгача тугаллаймиз

(«Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозининг директори ўртоқ С. ЗОКИРОВ блан суҳбат)

Бу йилги кўклам пахтачилик учун жуда қулай келди. Ёғингарчилик бўлмаслиги, ҳавонинг кундан-кун исиши чигитни тез кун ичида экиб олиш учун зўр бериб курашишни талаб этади.

«Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозининг коллективи 20 мартдан чигит экишга киришди. Совхозда 2.550 гектар ернинг ҳаммаси кузда академик Вильямс усулида ишлаб қўйилган эди. Шу куплярда ер фақат бороналаб чигит экилмоқда. Совхознинг ерлари ботқоқли бўлгани учун боронанинг тишини калта қилиб ишлатилмоқда.

Тажриба шуни кўрсатадики, кўклам худди шу йилгидек келган йилларда чигитни барвақт экиш мўл ҳосил учун катта фойда келтиради. Шунинг учун совхоздаги мутахассислар ва тажрибакор-лар чигитни мумкин қадар илгарироқ экиб олиш лозим эканлигини та'кидламоқдалар.

Лекин чигитни эрта экқан вақтда, ба'зи бир соҳаларга алоҳида э'тибор бериш керак. Масалан, чигитни энг аввал бегаюлардан бузилган ерларга экиш зарур. Бундай ерларда қатқалоқ бўлмайди. Биз совхозда чигитни аввал 500 гектар бегаюлга экиб, шу блан бирга, чигитни ивитишга алоҳида э'тибор бериш зарур. Масалан, биз биринчи куни чигитни икки соат ивитиб экган бўлсак, ҳозир 10 соат ивитиб экмоқдамиз. Чигитни ернинг намига қараб шу зайлда ивитиш намгарчилик кўп бўлган вақтда унинг ерга чиришга ва ҳаво қаттиқ исиб кетган вақтда тупроқда қуриб қолиш хавфини йўқотади.

Биз чигитнинг нормадаги чуқурликка тушишини қаттиқ назорат қилаётирмиз. Ҳамма ерда чигит 3—4 сантиметр чуқурликда экилмоқда. Уруғлик чигитни ортиқча сарфлашга қарши совхозда контрольлик кучайтирилган. Бир гектар ерга 100 килограммдан ортиқ чигит сарф қилинишига йўл қўйилмайди. Айниқса, совхозда қаторларни тўғри экишга жиддий э'тибор берилмоқда. Қартанинг бурчагида, ер четида жой қолиб кетган бўлса, бу қартани экилган ҳисобида қабул қилинмайди.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозларда, МТС ва совхозларда кўклам экишига тайёргарликнинг бориши тўғрисида»ги қарорига жавобан, совхозда чигитни қисқа муддатда экиб олиш юзасидан социалистик мусобақа кенг равишда қизитилди. Универсалчи Рибяков, Оталиков, Алижонов ўртоқлар ҳар куни 15 — 16 гектар ерга чигит экмоқдалар. Ўнлаб звенолар экишни тугаллаб, чигитни ердан текис ундириб олиш учун тегишли тадбирларни кўрмоқдалар.

Совхозда 27 мартгача 44 процент ерга чигит экилди. Ҳозир бир куида 10 —12 процент ерга чигит экилаётир. Совхоз коллективи барча куч ва имкониятларини сафарбар қилиб, чигит экишни 1 апрельгача тугаллайди ва апрельнинг биринчи ва иккинчи бешкуни ичида чигитни ердан текис чиқариб олишга муваффақ бўлади. Бу эса гўзанинг биринчи парваришини апрель ойи ичида тугаллашга, мўл ҳосил учун пухта замин тайёрлашга катта имконият туғдиради.

Тошкент область ижроия комитетида

Агитмашиналар

Янгийўл районидаги колхозларга область ижроия комитетининг агитмашинаси юборилди. Агитмашинада лектор, агитатор, кутубхона ходими ва бошқалар бор. Агитмашинадаги кўчма кутубхонада 500 китоб ва кўчма кино бор. Кўклам экиш кампанияси даврида колхозларда оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш мақсадида, яқин кунларда яна 10 та агитмашина районларга жўнайди.

Колхозларда лекциялар

Маданий-оқартув муассасалари бўлими март ойида район ва қишлоқ кутубхоналарига 90 минг сўмлик китоб юборди. Область ва район лекторлар группалари ҳам ўз ишларини кучайтирдилар. Март ойида область лекторлар бюросининг лекторлари сиёсий, ижтимоий-илмий ва тарихий темаларда 70 га яқин лекция ўқидилар.

Концерт бригадалари

Область санъат бўлими кўклам экиш даврида колхозчиларга маданий хизмат кўрсатиш планини тасдиқлади. 20 мартда Янгийўл ва Мирзачўл районларига 8 та концерт бригадаси жўнаб кетди.

Санъатчиларнинг бригадалари колхозчилар ўртасида суҳбатлар ўтказмоқдалар, деворий газеталар ва «Жанговар варақалар» чиқармоқдалар.

Медицина пунктлари

Кўклам даврида колхозчиларга медицина ёрдами бериш учун Оққўрғон, Бўка, Ҳовос, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ ва бошқа районларга область соғлиқни сақлаш бўлимининг мутахассис врачлари жўнаб кетдилар.

Болалар боқча ва яслилари

Областнинг колхозларида 1.200 та мавсумий болалар яслиси очишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу яслиларда 28 минг бола тарбияланади. Колхоз болалар яслиларида ишлайдиган тарбиячиларни тайёрлаш учун очилган махсус курсларда 300 киши ўқишни тамомламоқда.

Мусобақа кучайиб кетди

Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидаги Молотов номли колхозининг а'золари бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олиб, кўклам экиш ишларига пухта тайёргарлик блан киришдилар. Колхозда қишлоқ хўжалик асбобларини ремонт қилиш ўз вақтида тугалланди. От-ҳўкизлар яхши боқилди. Минерал ўғит ва уруғлик чигитлар ўз вақтида ташиб келтирилди.

Шу кунларда колхозчиларнинг кўпчилиги ерни экишга тайёрлаш юзасидан кунлик топшириқни оширибо бажараётир.

Колхознинг ўртоқ Аликул Нурматов бошлиқ бригадаси биринчи бўлиб, чигит экишга киришди. Универсалчи ўртоқ Тилов Эшназаров ишга тушган биринчи куниданоқ кунлик экиш юзасидан берилган топшириқни оширибо бажармоқда.

Колхоз агитаторлари илғор бригада ва звеноларнинг иш тажрибаларини кенг ёймоқдалар. Шу муносабат блан, звенолар, бригадалар ва колхозчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа тобора кучаймоқда.

Р. ТУХТАМИШЕВА.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

БИРЮЗ ЎНЕТТИТА ХАТО

«Пахта учун кураш» газетасининг шу йил 15 мартдаги 12-нчи сонида бирваракайига 117 та имловий хатога йўл қўйилган. Бу хатолар ба'зибир қийин сўзларда эмас, аксинча, оддий сўзларда, содда номларда учрайди. Мана, бирнеча мисол: «дарахт» сўзи «дараҳт», «система» — «сестема», «гулзор» — «гульзор», «таажжуб» — «таажжуб», «фасл» — «пасл», «шакл» — «шаклл», «ҳажм» — «ҳажим», «Ўзбекистон» — «Ўзбекистон», «ҳарҳақиқат» — «ҳарҳақиқатда», «бунинг устига» деган сўз эса икки жойда «буни устига» деб ёзилган ва ҳоказо.

Газетанинг мас'ул муҳаррири ўртоқ Қ. Қодиров ва редакция ходимлари машҳур совет олими академик Вильямсни билмас эканлар. «Ер ҳайдашда агротехника қоидалари бузилмоқда» деган хабарда машҳур академикнинг фамилияси «Вильямус» деб ёзилган. Бу саводсизлик «Пахта учун кураш» редакцияси коллективини у қадар ташвишга солмаса ҳам, лекин газетхонларни газаблантиради.

«Қаҳрамон она» унвонини қайси совет граждани билмайди. Редакция коллективи газетанинг шу сонида бу шарафли унвондан ҳам хабарсиз эканлигини билдириб қўйган. Редакция бир хабарида бу номни уялмай-нетмай «она қаҳрамони» деб ёзипти.

Агар «бири боғлан-бири тоғлан» келган чалкаш жумларни, «теша тегмаган» гапларни ўқиб кўрсангиз, булар оддида айрим сўзлардаги хатолар ҳолва эканлигини пайқаб оласиз.

2-нчи МТС директори ўртоқ Неъматов танқид қилинган хабарда:

> «Лекин у, МТС да кўкламга тайёргарлик кўриш, тракторларнинг ер ҳайдашга барвақтроқ чиқариш учун ремонтни тугаллашга заррача ўйламайди»... «Ҳозирда олиб борилаётган тракторлар (қаёққа?) сифатсиз ремонт қилинганидан унумсиз ишламоқдалар»

деб, ўқувчига яна саводсизларча тузилган, чалкаш жумла тақдим этилади. «Раҳбарларнинг ўзлари иш устида бўлмайдилар» сарлавҳали хабарда эса:

> «Аммо, кампир ўлдида (?) иш унумини орқага сураётган (?) колхозлар ҳам йўқ эмас»

каби «топишмоқ» қабилидаги жумлалар ҳам бор...

Бу каби хатоларга йўл қўйишлар қачонгача давом этади? Пискент район партия комитети ўз газетасига нисбатан қачонгача тамошабин бўлиб туради?

Дизельли янги тракторлардан тўғри фойдаланайлик

Республикамизда ер ҳайдайдиган ДТ—54 деган дизельли янги тракторлар олинди. Бу тракторлар ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларнинг далаларида ишлаб турибди. Бу тракторлар—кучли, мукаммал машиналардир. Тўғри фойдаланилса, бу тракторлар камида 2 минг соат ремонтсиз, тўхтовсиз ишлайолади.

Аммо янги тракторлар ишлай бошлаган дастлабки кунлардаёқ айрим МТС раҳбарлари янги машиналарда ишлашга тракторчиларни ўргатишга э'тибор бермаётирлар, дизельли тракторларда ишлашга махсус курсла ўқимаган кишиларни тайинламоқдалар. Шу сабабли, Тошкент қишлоқ районидаги 2-нчи, Қорадарё районидаги 1-нчи ва бошқа бирқанча МТС-ларда бирнеча трактор бузилиб қолди.

Бунинг асосий сабабларидан бири — тракторга ёнилғи қуйиш ва уни мойлаш қоидаларининг бузилишидир. Ма'лумки, ДТ—54 тракторининг двигателида асосий детальлар бензинга 7—9 процент миқдорида дизель мойи қўшиш йўли блан мойланади. Бензин блан мой трактorга қуйилгунча аралашган ҳолда ҳаво ҳам аралаштирилиши керак. Ёлғиз бензинни ишлатиш трактор-нинг бузилишига сабаб бўлади. Трактор-ни юргизиш олдидан, шунингдек машина бирнеча кун тургандан кейин, пусковой двигателнинг картерида йиғилган мойни тўкиб, свеча тагига ва пуфлаш канали орқали 20—25 грамм дизель мойи қўйиш зарур. Пусковой двигательни 5—7 минутдан ортиқ ишлатиш ярамайди.

Пусковой двигатель редукторининг нормал ишлаши учун, унинг юргизучи шестерняси биринчи ёки иккинчи передачага қўйилиши керак. Ричагни ўрта жойда қолдириш ярамайди.

Дизельмотори ўртача оборотларда юргизиш талаб қилинади. Акселератор кўп деганда 1/3 чамасида олинга сурилади. Акселератор бирданига эмас, балки аста-секин ишга солинади. Двигательни тез айланиб турган вақтида тўхтатиш ярамайди.

Ёнилғининг тоза бўлишига алоҳида э'тибор бериш керак. Дизельли тракторларда форсункалаги асосий детальлар жуда зич бўлганлигидан, ёнилғига озгина бегона жисмлар аралашганда ҳам, двигатель нормал ишлай олмайди, ёнилғи аппаратураси тез ишдан чиқиб қолади.

Ёнилғини трактorга қуйишдан илгари, камида 48 соат тиндириш зарур. Ёнилғи қуйиш олдидан трактордаги ёнилғи қуйқаларини (тахминан 5—6 килограмм) тўкиш керак.

Ёнилғига чанг ва ифлослар аралашмаслиги учун ёнилғи трактorга, шланг ёки насос блан фильтрли воронка орқали қуйилади. Айрим ҳоллардагина ёнилғи солиш учун челак ёки сеткали ва сузгичи бўлган воронкани ишлатиш мумкин.

Двигательни мойлаш учун фақат дизель мойи ишлатилиши керак. Автоль блан мойлаш қат'иян ман' этилади. Трактор 100—120 соат ишлагандан кейин, ҳар гал дизель тагидаги мойни алмаштириш, 50—60 соатдан кейин фильтрни ювиш ва 100—120 соатдан кейин фильтр элементларини пухта тозалаш лозим.

Регуляторни ва ёнилғи насосини ўз вақтида мойлаб туриш жуда катта аҳамиятга эга. Ҳар куни, иш бошлашдан илгари, насос картеридаги мой миқдорини текшириб, уни белгиланган даражагача тўлгазиш зарур. Насос регуляторига мой контроль пропкасигача қуйилади.

Ҳаво тозалагичнинг қуйи қисмидаги мой даражаси халқа чизиғидан юқори кўтарилмаслигини кузатиб туриш керак. Акс ҳолда, ҳаво мойни учириб олиб кетади, бу мой ёнган вақтда двигатель жуда қизийди. Шу сабабли авария юз бериши мумкин.

Янги трактор аввало плугсиз 50—60 соат ишлатиб кўрилиши, сўнгра плуг корпуслари сонини аста-секин кўпайтириб юргизиб кўрилиши керак.

Синаб кўриш вақтида, ба'зан цилиндрлар ичида қисмларнинг қаттиқ тўқиллаган эшитилади. МТС ходимлари бунинг сабабини суриштирмай, бирданига двигательни очишга киришадилар. Ҳолбуки, бундай тўқиллашлар ёнилғи насосининг яхши созланмаганлигидан дарак беради. Бундай ҳолларда, даставвал, бош магистральдаги мой босими белгиланган минимумдан пастга тушиб кетмаганлигини текшириб кўриш, унинг сабабларини аниқлаш керак. Агар мой босими нормал ҳолда бўлса, ёнилғи насосининг тегишли секциясини чиқариб қўйиш зарур. Агар цилиндрдаги тўқиллаш тўхтаса, бу ҳол мазкур секциянинг ёнилғини яхши бериб турмаганлигини кўрсатади. Бундай ҳолда, ёнилғи насосини олиб, уни устахонада махсус стенда созлаш ёки алмаштириш керак. Ёнилғи насосини ва дизель мотори-ни қисмларга ажратиб ташлаш ман' этилади.

Дизельли тракторлардан фойдаланиш қоидаларига қаттиқ риоя қилиб, янги машинадан тўла фойдаланиш—республикамиздаги механизаторларнинг шарафли бурчидир.

Инженерлар Г. ВАСИЛЬЕВ.
В. ФРЕНКИН.
Н. МАНКЕВИЧ.

«МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК УЧУН, ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ УЧУН!» ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДАН

Социализм кучлари ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда

Бухарестда «Мустаҳкам тинчлик учун, халқ демократияси учун!» газетасининг навбатдаги 11 (71)-нчи сони босилиб чиқди. Газета «Совет социалистик демократиясининг тантанаси» сарлавҳали бошмақоласида, 12 мартда СССР Олий Советига ўтказилган сайловлар совет халқининг тарихига коммунистлар блан партиясизлар сталинча блокининг порлоқ ғалабаси бўлиб кирди, шу блан бирга бу сайловлар халқаро миқёсда жуда катта аҳамиятга эга бўлди, деб ёзади.

«Сайловларнинг натижалари, — деб ёзади газета,—уруш оловини ёқучиларга ва совет тузуми мустаҳкам эмас деб ҳали ҳам умид қилаётганларга қаттиқ зарба бўлди. 110 миллиондан ортиқ совет кишилари сайловларда сталинча доно тинчлик сиёсатини амалга ошираётган ва халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик учун курашаётган коммунистлар партиясини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашга қат'ий бел боғланганликларини намойиш қилиб кўрсатдилар».

Барча мамлакатларнинг ишчилари, меҳнаткашлари Совет Иттифоқини ўз ватанлари деб, унга умид блан назар соладилар. «Барча мамлакатлардаги илғор кишиларнинг ҳаммаси, — дейилади бошмақолада,—Совет Иттифоқининг ҳарбир муваффақиятидан қувонади, чунки СССР-нинг куч-қудрати ўсган сари тинчлик, демократия ва социализм улуғ фронти ҳам шу қадар кучли ва мустаҳкам бўлади. Шунинг учун ҳам совет социалистик демократизмининг янги тантанаси бутун дун'ёдаги меҳнаткашларни астойдил хурсанд қилади. Совет Иттифоқининг муваффақиятлари тинчлик тарафдорларининг уюшган ҳаракати «қатнашчиларининг ғайратига ғайрат қўшади. Уруш ижвогарларига қарши, англияли-американ империалистларга қарши ва уларнинг ўнг социалист ҳамда титочи агентларига қарши кураш янада авж олади».

Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий комитети Сиёсий Бюросининг а'зоси **Золтан Ваш** «Венгриянинг бешйиллик плани» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни ёзади: Венгрияда 1950 йил 1 январьдан бошлаб бешйиллик халқ хўжалик планини амалга оширишга киришилди. Бу планнинг асосий вазифалари—саноатни ва биринчи галда металлургия ҳамда машинасозлик саноатини тез ривожлантириш, транспортни машиналаштириш, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайтадан қуришдан иборат. Венгрия деҳқончилик-саноат мамлакатидан саноат-аграр мамлакатига айлантирилади. Венгриянинг экономикасида саноат ҳал қилуви роль ўйнайди. Шу блан бирга мамлакат тараққий этган социалистик қишлоқ хўжалигига эга бўлади.

Чехословакия Коммунистлар партиясининг бош секретари **Р. Сланский**нинг «Чехословакияда бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари» сарлавҳали мақоласи Чехословакия қишлоғини социалистик негизда қайтадан қуришга бағишланган. Ҳозирги вақтда Чехословакияда 2.412 та бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативлари бўлиб, уларда 110 минг а'зо бор. Янги кооперативлар ташкил этиш учун ҳарбир тўрт қишлоққа биттадан тайёрлик комитетлари тузилди. Энг яхши кооперативлар ерни биргалашиб ишлашнинг афзаллигини деҳқонларга ўз тажрибаларида кўрсатиб бермоқдалар.

Р. Сланский Чехословакия қишлоғида кооператив қурилиши вазифаларини белгилаб, бундай деб ёзади: «Барча кооперативлар ўз ишларида асосий вазифага, я'ни ерни биргалашиб ишлашга катта э'тибор қилишлари лозим. Бу эса майда деҳқон хўжаликларини кооператив, йирик ишлаб чиқариш негизига кўчириш нуқтаи назаридан ҳал қилуви аҳамиятга эгадир. Қарз бериш, бинокорлик ишларига маблағ чиқариш, ўғит, зотли мол ва уруғлик сотиб олишда енгиллик бериш, МТСларнинг ишига камроқ ҳақ тўлаш ва шу сингари енгиликлардан фойдаланиш учун ерни биргалашиб ишлаш ва биргалашиб экин экиш ва шароитга қараб чорвачиликни биргалашиб уюштириш шарт қилиб қўйилиши керак».

Франция коммунистлар партияси Марказий комитетининг а'зоси **Андре Люне** Франциядаги ишчилар синфининг аҳволи жуда ёмонлашаётганлиги ва ишташлаш ҳаракатининг кучаяётганлиги тўғрисида ёзади. У, француз меҳнаткашларининг ҳарид қуввати 1947 йилдаги 67 процентдан 1950 йилда 51 процентгача (бунда 1938 йил даражаси асос қилиб олинган) камайганлигини та'кидлайди. Шу давр ичида капиталистларнинг расман э'лон қилинган ма'лумотлардаги даромадлари ўрта ҳисобда 300 процент ортди. Миллий даромаднинг тақсимланиши меҳнаткашларнинг тобора қашшоқланаётганлигини кўрсатади. 1938 йилда ёлланиб ишловчи 12 миллион ишчи миллий даромаднинг 45 процентига эга эди. Бир ҳовуч капиталистларнинг миллий даромадлаги ҳиссаси эса 29 процентни ташкил этди. 1950 йилда даромад ларнинг тақсимланиши миллий даромадда текинхўр синфининг ҳиссаси ошганлигини кўрсатди. Текинхўр синфининг миллий даромадлаги ҳиссаси 50,5 процентга етди, ишчиларнинг ҳиссаси эса 34 процентгача камайди.

Францияни маршаллаштириш сиёсати, Вьетнамдаги уруш ҳаракатлари, Атлантик аҳдига мувофиқ Совет Иттифоқига, халқ демократияси мамлакатларига ва бутун дун'ё халқларига қарши тажовуз қилишга зўр бериб тайёрлик кўрилаётганлиги орқасида Франция меҳнаткашлари тобора қашшоқланмоқда. Франция меҳнаткашлари бунга жавобан ишташлаш ҳаракатини кучайтирмоқдалар. Ишташлаш ҳаракати бутун мамлакатга ёйилди. Ишчилар ишҳақини 3 минг франкка кўпайтиришни яқдилик блан талаб этиб бошланган ишташлаш мамлакатнинг ҳамма саноат марказларидаги металлургларга ва металлистлар орасига, аэропортларнинг, бинокорлик ва химия саноати корхоналарининг ишчилари орасига ёйилди. 8 мартда бутун мамлакатдаги электр станциялар ва газ заводларининг ишчилари иш ташладилар. Шундан кейин ишташлаш ҳаракати тўқимачилар, докерлар, страхование компанияларининг хизматчилари, Париждаги аҳолига хизмат кўрсатучи корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари орасига ёйилди. 13 мартда ижтимоий та'минот муассасаларининг ходимлари иш ташладилар. Ишташлаш ҳаракати кучайиб бораётган Марсельда «Экзетор» деган америка пароходининг матросларн штрейкбрехерлик ролини бажаришдан бош тортдилар. Металлистлар, бинокорлик саноати ва химия саноати ишчилари қурашни давом эттирмоқдалар. Юздан ортиқ корхонада иш ташлаган ишчилар ғалаба қозондилар.

Ишчилар ишташловнинг биринчи кунларидаёқ корхона эгаларининггина эмас, балки ҳукуматнинг ҳам қаршилигига дуч келдилар. Франция ҳукуматининг бошлиғи Бидо Сент-Этьенда ишчиларга қарши сўзлаган нутқида капиталистларни ишчиларнинг талабларини қондирмасликка чақирди. Америка империализми қўлида қўғирчоқ бўлган ҳукумат 23 февральга ўтар кечаси Рено заводининг иш ташлаган ишчиларига қарши «республика хавфсизлиги отрядлари» солдатлари ва жандармлардан 6.000 кишини сафарбар қилди. Танклар ва артиллерия уларга мадад бериб турди. Париж районидаги 120 машинасозлик корхонасининг ишчилари ана шу нғвогарликка жавобан дарҳол иш ташладилар.

Люне бундай деб ёзади: «Полиция аппаратининг ҳамма кучлари корхона эгаларининг ихтиёрига топширилди. Полиция заводларни ишғол қилиб, иш ташловчиларга ҳужум қилди. Варақалар тарқатган ва иш ташловчиларга ёрдам бериш учун маблағ тўпланган кишилар қамоққа олинди. Ҳукумат радиоси ва маршаллаштирилган матбуот курашга отланган ишчиларнинг сафини бузиш учун бутун кучини сафарбар қилди. Ҳукумат газ заводлари ва электр станцияларидаги ишчиларнинг ишташлаш ҳаракатини тўхтатишга беҳуда уруниб, уруш вақтининг қонунини яна жорий этиб, конституцияга хилоф ҳаракат қилди. Бу қонун ҳукумат томонидан «мамлакат эҳтиёжларини та'минлаш учун зарур» деб топилган заводларда ишчиларни сафарбар қилишга имкон беради».

Тескаричилар меҳнаткашларнинг жанговар бирлигини бузиш учун зўр бериб ҳаракат қилдилар. Бу соҳада Блюм партияси айниқса актив ҳаракат қилди. Газетада Франция компартиясининг бошқа бир раҳбар арбоби—Сиёсий Бюро а'зоси **Франциуа Бийу**нинг социалистларнинг хоинлик сиёсати тўғрисида ёзади.

Италия коммунистлар партияси бош секретарининг ўринбосари **Пьетро Секкьянинг** «Италия компартиясининг мустаҳкамланиши ва Италияда Тито тўдаси агентлари ишларининг барбод бўлиши» сарлавҳали мақоласи Италияда Тито тўдаси агентларининг хуружи барбод этилганлигига бағишланган. Мақола автори ёзади: Италия компартияси кейинги вақтларда ўз ишларида катта муваффақиятларга эришди. Италия компартиясининг а'золари тобора кўпаймоқда. 1950 йилда Италияда коммунистлар сони 2 миллион 500 минг кишига етади деб ўйлашга тўла асос бор.

Империалистлар компартияга қарши курашда тескаричиларнинг ҳамма қора кучларидан ва шу жумладан титочи агентлардан ҳам фойдаланмоқдалар. Аммо Тито тўдасининг қўпоручилик ишлари ва коммунизмга қарши юргизаётган агитацияси, бу тўданинг Италия компартиясига қарши қилган хуружлари барбод бўлди. Титочи агентлар фош қилиниди, барча коммунистлар бу тўданинг америка—империализми блан боғланганлигини кўриб билдилар.

Пьетро Секкья мақоласининг охирида қуйидагиларни ёзади:

«Италияда Тито тўдаси агентлари хуружининг барбод бўлганлиги коммунистлар партиясининг ва демократик кучларнинг шубҳасиз катта муваффақиятидир. Аммо бу ҳол бизнинг ҳушёрлигимизни бўшаштирмаслиги керак. Америка империализми Италияда мустаҳкам мавқе'ларни қўлга киритишдан ғоят манфаатдор эканлигини биламиз. Америка империализми тинчлик кучларига янгидан ҳужум қилиш, игво юргизиб, сафни бузиш учун яна ҳаракат қилиб қўражак. Барча коммунистлар ва барча демократик ташкилотлар ҳозир ҳарқачонгидан кўра ҳам ҳушёр бўлишлари керак».

Газетанинг бу сонида сиёсий хабарлар ва демократик ҳаракат тўғрисидаги кўп хабарлар ҳам босилган.

БЕЛЬГИЯ КОММУНИСТЛАР ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ БАЁНОТИ

БРЮССЕЛЬ, 27 март. (ТАСС). Бельгия коммунистлар партиясининг Сиёсий Бюроси баёнот э'лон қилди. Бу баёнотда қуйидагилар айтилади:

«Леопольднинг тахтга қайтарилишига қарши норозилик билдириш юзасидан 24 мартда бошланган ишташлаш ҳаракати муваффақиятли давом этмоқда ва бу ҳаракат ишчилар синфи ҳамда ёшларнинг фикри бир хил эканлигини ва курашга бел боғлаганликларини та'кидлайди. Меҳнаткашлар оммасининг талабчанлигини қондириш учун ҳаракатга ҳайрихоҳлик блан қараб, уни қувватламоқда.

Сиёсий Бюро социалистлар партиясининг, умумбельгия меҳнаткашлар уюшмасининг, христиан касаба союзлари уюшмасининг раҳбарларини фош қилади. Улар Леопольд тарафдорлари олдида гаслим бўлишга тайёргарлик кўрмоқдалар, социалист меҳнаткашлар блан коммунистларнинг биргаликда ҳаракат қилишларига халақит беришга ва фламандларни валлонларга қарши қўзғотишга урунмоқдалар.

Сиёсий Бюро барча меҳнаткашларни, барча демократларни ва барча тинчлик тарафдорларини бирлашишга ва бу блан Леопольднинг тахтга қайтиб келишига йўл қўймасликка ва бунинг натижасида тинчлик, озодлик ва фаровонликнинг ашаддий душманларини мағлубиятга учратишга чақиради».

ГОЛЛАНДИЯ ВА ИНДОНЕЗИЯ ҚУШМА ШТАТЛАРИ ҲУКУМАТЛАРИ ХИТОЙ МАРКАЗИЙ ХАЛҚ ҲУКУМАТИНИ ТАНИДИЛАР

ГААГА, 27 март. (ТАСС). Голландия ҳукумати ва Индонезия Қўшма Штатлари ҳукумати бугун Хитой халқ республикаси Марказий халқ ҳукуматини танидилар.

Голландия ҳукумати бугун Гаагада Чан Кай-ши тўдаси блан алоқани узганлигини гоминдан элчисига ма'лум қилди.

ВЬЕТНАМДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ШАНҲАЙ, 27 март. (ТАСС). Вьетнам ахборот агентлиги билдиради: Вьетнам демократик республикаси армияси Лао-Кай вилоятида аҳоли яшайдиган Нам-Луэк, Баданг ва Куэн-Лунг пунктларини яна ишғол қилди. Бу пунктлар Ханойдан 200 миля ғарби-шимолда жойлашган. Француз қўшинлари сафига мажбуран сафарбар қилинган вьетнамли юздан ортиқ солдат демократик кучлар томонига ўтди. Вьетнам қўшинлари Бак-Нинь вилоятида (Ханойдан 20 миля шимолда) аҳоли яшайдиган Фучон, Бао-Ан ва Дуонг-Лой пунктларни яқинидаги француз постларини яксон қилдилар.

Бак-Мин районида (Ханойнинг шарқи-шимолида) Вьетнам демократик республикаси қўшинлари блан француз экспедиция корпуси ўртасида қаттиқ жанглар бўлмоқда.

БАО ДАЙ ҚЎҒИРЧОҚ «ҲУКУМАТИ» ТАНГЛИККА УЧРАДИ

ПАРИЖ, 27 март. (ТАСС). Бирқанча газеталарнинг билдиришига қараганда, Бао Дай қўғирчоқ «ҳукумати»нинг исте'фо берган ҳарбий министри Фан Хон Куат, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ле Тан ва жисмоний тарбия министрининг ўринбосари Нгуен Тон Хонг «Вьетнам халқи ўртасида Бао Дай ҳукуматининг ҳеч қандай обрўси йўқ» деб, бу «ҳукумат»дан чиққанликларини билдирганлар. Газеталарнинг ёзишича, бу ҳол Сайгондаги сиёсий доираларни саросимага солиб қўйган.

Халқ демократияси мамлакатларида Америка Қўшма Штатларининг қўпоручилик ишлари

ГААГА, 26 март. (ТАСС). «Де Ваархейд» газетасининг Париж мухбири билдиради:


Парижда ма'лум бўлишига қараганда, Америка Қўшма Штатларининг давлат департаменти Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан қочган ўнг социал-демократларни ягона ташкилотга бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилган. Бу ташкилотнинг вазифаси—мазкур мамлакатларга қарши ҳаракатни мувофиқлаштиришдан иборат бўлади. Америка Қўшма Штатларининг вакиллари 1949 йилнинг охирида Парижда юқорида айтилган муҳожирлар блан махсус кенгаш ўтказганлар. Бу кенгаш ана шу янги ташкилотни тузиш бўйлидаги тайёргарлик ишларида биринчи қадам бўлган. Кенгашда «Озод Европа комитети» деб аталган комитетнинг вакиллари, Америка элчихонасининг вакиллари, Новотни, Заремба ва халқ демократияси мамлакатларидан қочган бошқа кишилар қатнашганлар. Янги ташкилотнинг асосий вазифаси жосуслик қилиш блан бирқаторда халқ демократияси мамлакатларига қарши пропаганда ҳам юргизишдир.

ЯҚИН ШАРҚДА АНГЛИЯ БЛАН АМЕРИКА ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАРИ

ҚОҲИРА, 26 март. (ТАСС). Кеча Қоҳирада Миср ташқи ишлар министрлиги биносида Ироқ бош министри Тавфиқ Сувейди раислигида Араб мамлакатлари иттифоқи кенгашининг сессияси очилди.

БАЙРУТ, 26 март. (ТАСС). Дамашқда чиқадиган «Аль-Иншо» газетасининг сиёсий обзорчиси Араб мамлакатлари иттифоқининг сессияси тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «Араб мамлакатлари иттифоқининг бу сессиясида инглизлар ва америкалилар та'сири ўртасида ҳамда арабларнинг икки блоки— ҳошимийлар блан саудийлар ўртасида кураш кескинлашади. Сурия коллектив хавфсизлик аҳди доирасини қувватлайди ҳамда бундай аҳднинг душмани бўлган Бағдод ва Уммонга қарши йўл тутади... Иттифоқнинг бу сессиясида инглизлар та'сири блан америкалилар та'сири ўртасидаги ва арабларнинг икки блоки ўртасидаги кураш жуда кесин тус олади. Араб давлатларидан бири ёки иккитасининг Араб мамлакатлари иттифоқининг қарорларини э'тироф қилишдан бош тортиб, бу иттифоқдан чиқиб кетиш эҳтимоли ҳам бор. Америка сиёсати ҳозирги вақтда Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатлар иттифоқини тузишга интилмоқда. Аммо, араб мамлакатлари Исроил давлатига душманлик назари блан қараётганликлари сабабли, америкалилар бу сиёсатни амалга ошираолмайдилар, чунки Исроил давлати қўшилмаган тақдирда, бу иттифоқнинг составн тўла бўлмайди».

МОТО-КРОСС



26 мартда пойтахт мотоциклчиларининг пойгаси бўлди. Қўйлиқ [illegible]си охирида, Чирчиқ дар'ёси бўйларида ўтказилган бу кроссга спорт жамиятларининг энг яхши мотоциклчилари қатнашдилар.

Пойга трассаси 88 километрга чўзилган бўлиб, у паст-баландликлардан, эгри-бугри, қумли, шағалли ва тор изли йўллардан иборат эди. Мусобақа қатнашчилари 24 марта сувлардан ўтишлари керак эди. Ана шундай қийин масофа дадиллик блан босиб ўтилди. Бу пойга мотоциклчиларимиз маҳоратига ва уларнинг куч-қувватига яна бир кўрик бўлди.

Мусобақа якунида 750 куб. см. классли машиналар орасида «Буревестник» спорт жамиятининг энг яхши мотоциклчиси Н. Шульга биринчи ўринни олди. Шу спорт жамиятининг а'зоси Н. Харьковский 350 куб. см. классли машиналар орасида биринчи ўринни ишғол қилди. ДОСАРМ спорт жамиятининг а'зоси ёш ва талантли спортчи Б. Лошкарев эса 125 куб см. классли машиналар орасида ҳаммадан олдин маррага етиб келди.

Қоманда биринчилигини «Буревестник» спорт жамиятининг мотоциклчилари олдилар.

Мусобақа ғолиблари шаҳар физкультура ва спорт ишлари комитети ҳамда республика авто-мото клубининг ёрлиқлари блан мукофотландилар.

Суратда (чапдан ўнгга): Старт берилаётган пайт. Доирада, юқорида **Б. Лошкарев**, пастда **М. Харьковский**.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Давлат рус халқ оркестри Тошкентда

Бундан бирнеча кун илгари Н. Осипов номидаги 80 кишилик Давлат рус халқ оркестри ва оркестр блан бирга, Сталин мукофотининг лауреати СССР халқ артисти В. В. Барсова Тошкентга келдилар. Бу оркестрнинг концертлари республикамиз музика ҳаётида катта воқиадир.

Ажойиб рус сан'атининг намояндаси СССР халқ артисти В. В. Барсова ва Давлат рус халқ оркестри Свердлов номидаги концерт залида берган концертларини пойтахт тамошабинлари аўр қувончу блан кўрдилар. Рус халқ оркестрининг ижодий коллективи ВКП(б) Марказий Комитетининг мафкура масалалари юзасидан қабул қилган тарихий қарорларидан илҳомланган ҳолда, илғор совет музика маданиятини кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида пропаганда қилмоқда.

Бундан 60 йил муқаддам талантли музикачи В. В. Андреев биринчи рус халқ чолғулари оркестрини тузган эди. Н. Осипов номидаги Давлат рус халқ оркестри ана ўша ажойиб оркестрнинг ижодий фаолиятини давом эттирмоқда.

В. В. Андреев рус халқининг қадимги чолғу асбобларини йиғиб, тартибга солди ва ўзи ташкил этган оркестр воситасн блан рус халқ музикасини пропаганда қилди.

Чор ҳукумати В. В. Андреевнинг хизматларини қадрламади, унга ҳеч қандай ёрдам бермади. Шунинг учун ҳам В. В. Андреев ўз мақсадларини тўла амалга оширолмади.

В. В. Андреев 1918 йилда вафот этди. У тузган халқ чолғулари оркестри Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги соясида кенгайтирилди, яна кўп чолғу асбоблари блан тўлдирилди. 1930 йилларда оркестрга баянлар, гармонлар, духовой чолғу асбоблари киритилди. Н. П. Осипов оркестрнинг репертуарини тўлдириш ва ривожлантириш соҳасида анча иш қилди. Ипполитов-Иванов, Василенко ва бошқа совет сан'ат усталари — композиторлар оркестрнинг репертуарини ўз асарлари блан бойитдилар.

Н. П. Осипов вафот этгандан кейин, оркестрга унинг укаси Д. П. Осипов раҳбарлик қилабошлади. Кейинги йилларда оркестрнинг репертуари совет композиторларининг бирқанча куйлари блан бойиди. Оркестр рус халқ ашулаларини ва рус классик куйларини ижро этиш блан бирга, Н. П. Будашкин, П. В. Куликов, С. С. Туликов ва бошқа композиторларнинг асарларини ҳам маҳорат блан ижро этиб келмоқда. Н. П. Будашкин оркестрнинг композиторидир. Унинг асарлари учун ик. ки марта Сталин мукофоти берилди.

Оркестрнинг концерт фаолияти кенг ва бойдир. Оркестр сўнгги йилларда Украина, Белоруссия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Болтиқ бўйи республикаларининг катта шаҳарларига бориб, концертлар қўйиб берди.

Оркестр 1949 йилда демократик Германияда, Чехословакияда ва Венгрияда 100 дан ортиқ концерт қўйиб берди. Оркестрнинг халқ демократияси мамлакатларидаги гастрольлари совет сан'атининг муваффақиятларини намойиш қилди. Бу мамлакатларнинг меҳнаткашлари оркестрнинг концертларини зўр қувончу блан кўрдилар.

Оркестрда бирқанча талантли чолғучи-ижрочилар тарбияланиб вояга етди. Гусли чолғучи В. Городовская, О. Никитина, дўмбира чолғучи А. Александров, балалайка чолғучи Н. Хаврошин, Б. Кулеватов, баян чолғучи С. Колобков ва бошқалар шулар жумласидандир.

1950 йилда оркестрнинг бадиий раҳбари РСФСРда хизмат кўрсатган артист Д. П. Осиповга Сталин мукофотининг лауреати деган юксак унвон берилди.

Оркестрнинг ўрта Осиё республикаларида бераётган концертларида Сталин мукофотининг лауреати СССР халқ артисти В. В. Барсова иштирок этмоқда. В. В. Барсова оркестрнинг жўр қилишида ажойиб рус халқ қўшиқларини ва рус классик композиторларининг асарларини куйламоқда. В. В. Барсова Гречаниновнинг «Добриня Никитич» операсидан олинган ашулаларни, Куликов қайта ишлаган «Баланғ тоғ турали» қўшиғини, «Қалинғоч» номли арман халқ қўшиғини ва бошқа ашулаларни айниқса маҳорат блан ижро этмоқда.

Республикамиз пойтахтининг тамошабинлари оркестрнинг солистлари—Н. Хаврошин, В. Беляевский, Б. Кулеватов ва А. Александров ижро этган куйларни зўр қониқиш блан тингламоқдалар.

Оркестр ва моҳир сан'аткор В. В. Барсова Тошкент, Самарқанд, Сталинобод шаҳарларидаги концерт залларида бирнеча марта концерт бердилар.

Республикамиз сан'атчилари оркестрнинг ва моҳир ашулачи В. В. Барсованинг ижрочилик маҳоратидан ўрнак олмоқдалар. Давлат рус халқ оркестрининг республикамизга келиши ўзбек совет сан'атининг ривожланишига ҳам, албатта, катта ижобий та'сир кўрсатади.

Т. ЖУМАЕВ.

Ўзбек Давлат филармониясининг директори.

„МАЛАЙДАГИ УРУШ ТЎХТАТИЛСИН“

АНГЛИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

ЛОНДОН, 27 март. (ТАСС). Англия компартиясининг сиёсий комитети «Малайдаги уруш тўхтатилсин» сарлавҳали баёнотини э'лон қилди.

Баёнотда бундай дейилади: «Англия ҳукумати 2 йилдан буён Малайдаги урушни «босмачиларга қарши» кураш деб инглиз халқига тушунтириб келди. Малайдаги уруш Малайя халқининг озодлик йўлидаги яхши уюштирилган қат'ий ҳаракатига қарши кенг миқёсда олиб борилаётган уруш эканлигига ҳозир заррача шубҳа йўқ.

Қарийб икки йил мобайнида қаттиқ ҳарбий операциялар ва террор амалга оширилди, миллий озодлик учун кураш олиб борувчилар қўплаб қатл этилди, қишлоқлар бомбардимон қилинди, ўн мингдан ортиқ киши сургун қилинди ва 10 мингдан ортиқ киши қамоқ лагерьларига ташланди. Эндиликда Малайдаги империалистлар матбуоти «биз ҳозир революция бошланган пайтдагига қараганда, уни бостиришдан узоқда турибмиз» деб ёзмоқда ва қаттиқ жазо чоралари кўрилишини ҳамда янги қўшинлар юборилишини талаб этмоқда. Малайга мадад тариқасида ҳарбий қисмлар ва бронемашиналар юборилмоқда. Озодлик ва демократияга қарши тажовузкорликдан иборат шармандали мустамлакачилик урушни давом эттириш учун инглиз халқига янада кўпроқ одам, пул ва яроғ-аслаҳа ажратишни таклиф этмоқдалар. Ҳукуматнинг Малайда уруш ҳаракатлари майдонини ва уруш операциялари миқёсини кенгайтириш тўғрисидаги қарори натижасида Осиёда тинчлик жиддий хавф остида қолди. Англия ҳукумати Осиёда озодликка қарши уруш майдонини кенгайтириш тўғрисида Америка блан ва бошқа империалистик давлатлар блан биргаликда қарор қабул қилиб, Англияни халқаро миқёсда катта жанжалга сабаб бўладиган хавфли йўлдан олиб бормоқда. Ҳозир шундай бир пайт келдики, инглиз халқи Малайда юз берган аҳволга умумий тинчликка бевосита хавф туғдираётган ва ўзининг осойишталигига жиддий хавф туғдирадиган ҳол деб қараши керак.

Компартия ўзининг барча а'золарини ана шу хавфга қарши курашишга ва бу янги хавфни ҳамда унга қарши қурашиш зарурлигини барча ишчиларга тушунтиришга чақиради. Биз қуйидаги ишларни бажаришга чақирамиз:

Биринчидан, бутун инглиз халқи Малайдаги уруш тўхтатилсин деб қат'ий талаб этсин.

Иккинчидан, барча лейборист, касаба союз ва кооператив ташкилотлари, хотинқизлар ташкилотлари, ёшлар ва студентлар ташкилотлари ўз кучларини сафарбар қилсинлар, токи бутун мамлакатда Малайдаги урушни тўхтатиш тўғрисидаги талаблар дангал эшитилсин ва бу урушнинг давом эттирилишига қарши намойишлар уюштирилсин.

Учинчидан, Малайдаги уруш учун мўлжалланган яроғ-аслаҳа ва ҳарбий материалларни ортишдан бош тортилсин.

Малайя халқига қарши олиб борилаётган уруш—инглиз ишчилар синфига қарши қилинаётган урушдир!

Малайдаги уруш тўхтатилсин. Тинчлик — бизнинг энг муҳим, асосий вазифамиздир!

Уруш оловини ёқучиларга Малайдаги урушни тўхтатиш йўли блан қақшатғич зарба берилсин!».

НОРВЕГИЯДА ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ КОНГРЕССИ ЎТКАЗИЛДИ

ОСЛО, 27 март (ТАСС). Норвегия тинчлик тарафдорлари комитети томонидан чақирилган конгресс кеча ўз ишини тамомлади.

Конгресс қатнашчилари Норвегия экономисти Мортенсеннинг катта мудофаа комиссияси деб аталган комиссия таклиф этаётган программа, я'ни мамлакатни милитарлаштириш программаси тўғрисидаги докладини эшитдилар. Мортенсен «бу программанинг амалга оширилиши натижасида норвеж халқининг турмуш даражаси яна 15 процент ёмонлашади» деди. Докладчи конгресс қатнашчиларини англияли-американ уруш оловини ёқучиларнинг талабига мувофиқ амалга оширилаётган бу программага қарши зўр бериб кураш олиб боришга чақирди.

Сўнгра конгресс ташкилий масалаларни муҳокама қилди. Норвегия тинчлик тарафдорлари комитетини «Норвегиядаги тинчлик тарафдорлари» ташкилотига айлантиришга қарор қилинди. Конгресс Умумнорвегия тинчлик тарафдорлари комитетини 27 кишидан иборат составда сайлади.

Конгресс Норвегия халқига қарата мурожаат ҳам қабул қилди.

Конгресс тамом бўлганидан кейин тинчлик тарафдорларининг оммавий митинги бўлди. Митингда бошқа нотиқлар блан бирқаторда Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий комитетининг конгрессда қатнашган а'золаридан Аббат Булье (Франция), ёзучи Локвуд (Австралия) ва Борсари (Бразилия) ҳам нутқ сўзладилар.

ЮГОСЛАВИЯДА „САЙЛОВЛАР“

БЕЛГРАД, 27 март. (ТАСС). Кеча Югославияда Халқ скупшинасининг иттифоқ вечасига ва миллатлар вечасига депутатлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари «сайланди».

Қишлоқ жойларида сайловлар эрта блан соат 4 да, шаҳарларда эрта блан соат 7 да бошланди. Тито пропагандасининг радио орқали тарқатган хабарларига қараганда, қишлоқлардаги ба'зи сайлов участкаларида, хусусан Македониянинг ва Словен Приморьесининг чегара районларида сайловчиларнинг гўё ҳаммаси эрта блан соат 7—8 гача овоз бериб бўлган эмиш.

Белградда сайлов участкаларининг кўпчилигида ҳарбийлар, милиционерлар, фабрика-завод мактабларининг шогирдлари, ётоқхоналардаги студент ёшлар биринчи бўлиб сайлов участкаларига келдилар. Улар 30—70 кишидан иборат тўда-тўда бўлиб келдилар. Кўп майдонларда ва кўчаларнинг муйилишларида ўрнатилган радио-карнайлар сайлов шиорларини ва вақтвақт музика ва қўшиқларни эшитдириб турдилар.

Граждан аҳолининг сайлов пунктларига тўда-тўда қилиб келтирилганлиги бу «сайловлар»нинг зўрлик блан ўтказилганлигини жуда яққол исбот этади. Сайловдан бирнеча кун илгари ҳарбир сайловчининг қаерда ва қайси вақтда овоз беражаги унга ма'лум қилинди. Ҳарбир хонадондаги барча аҳоли сайлов пунктларига тўда-тўда бўлиб келишга мажбур этилди. Бирор киши ўз тўдаси блан белгиланган соатда сайлов участкасига келаолмаган тақдирда, бу тўғрида барвақт участка сайлов комиссиясига ма'лум қилиши ва бунинг учун ундан рухсат олиши керак, эди.

Сайлов участкаларининг кўпчилиги кичкина магазинларга, сартарошхоналарда, пивохоналарда ташкил этилди. Булар одатда кичкина бўлиб, уларнинг ҳажми 20—30 квадрат метрдан ошмайди. Овоз бериш учун сайлов участкасининг биносига бирданига 10 тадан киши киргизилди. Югославияда жуда кўп киши саводсиз бўлганлиги сабабли, сайлов бюллетенларн блан эмас, балки шарлар блан овоз берилади. Сайловчи кўрсатилган расмий номзод учун овоз беради ёки номзод кўрсатилмаган қутига шарни ташлайдики, бу эса, сайловчининг мазкур номзодга қарши овоз берганлигини кўрсатади. Сайлов комиссиясининг а'золари ҳузурида ва ўзи блан бир хонадонда яшовчи бошқа сайловчилар ҳузурида овоз берилганлиги сабабли, номзоди кўрсатилмаган қутига шарни ташлашга жур'ат этоладиган сайловчиларни топиш қийин эди.

Аммо, аҳолининг кўпчилиги «сайлов»да иштиёқ блан қатнашмади. Сайловчилар нон ёки гўшт олиш учун қандай кайфият блан навбатда турсалар, худди шундай кайфият блан участкаларда навбатда турдилар. Шуни айтиш керакки, шаҳар меҳнаткашлари март ойининг 26 куни мобайнида ҳарбир карточкага атиги бир марта 200—350 граммдан гўшт олдилар.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29 мартда **Нурхон**, 30 мартда **Тоҳир ва Зуҳра**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **катта цирк тамошалари ва классик курашлар**. Тамоша кеч соат 9 да бошланади.

«НАВОИЙ» — кундуз **Гўзал Василиса**.

«ИСКРА» — 1-нчи залда кеч соат 6 гача **Пўлат қандай тобланди**.

«ЁШ ГВАРДИЯ»—кундуз **Ўнбеш ёшли капитан**, кечқурун **Андалузия кечалари**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз **Чўртан балиқнинг амри блан**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кундуз **Қаҳрамоннинг укаси**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кундуз **Дубровский**.

Тошкентдаги қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи «УЗБЕКСЕЛЬМАШ»ГА

старший бухгалтерлар,

6—7 разрядли металл токарьлари, 5, 6, 7 разрядли слесарьлар, юк автомашиналари учун шоферлар, ёрдамчи ишчилар

КЕРАК

Заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (2-нчи трамвайнинг «Гидростанция» остановкаси).

«РОДИНА» кинотеатрида кундуз ва кечқурун, «ИСКРА» кинотеатрида 1-нчи залда кеч соат 6 дан ҳам қолган залларда кундуз ва кечқурун, «НАВОИЙ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида кечқурун

Бизнинг ҳалол ризқимиз

деган янги бадиий фильм кўрсатилади.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Узбеккнижторг»нинг обунали нашрлар базаси

КИТОБЛАРНИ ОБУНАЧИЛАРНИНГ УЙЛАРИГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ИШИНИ УЮШТИРАДИ.

Етказиб берилган нашрнинг ҳарбир томи учун обуначидан 50 тийин миқдорида ҳақ олинади.

Китобларни уйларига етказиб берилишини хоҳлаган кишилар «Узбеккнижторг»нинг обунали нашрлар конторасига (Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 36-нчи уй) заявка беришлари ёки 32-286-нчи телефон орқали билдиришл